

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx42.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВА ЛОЛА НАСРИДДИНОВА

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА КУЗГИ
БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИ ИЛМий
АСОСЛАШ**

06.01.08 - Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural
sciences**

Халилова Лола Насриддиновна

Зарафшон водийси суғориладиган ерларда кузги бугдой ва такрорий экинлар
етиштиришни илмий асослаш.....3

Халилова Лола Насриддиновна

Научное обоснование возделывания озимой пшеницы и повторных культур на
орошаемых землях Зарафшанской долины.....21

Khalilova Lola Nasriddinovna

Scientific substantiation the production agrotechnology of winter wheat and summer
crops on the irrigated lands of Zarafshan valley.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛОВА ЛОЛА НАСРИДДИНОВНА

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА КУЗГИ
БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИ ИЛМИЙ
АСОСЛАШ**

06.01.08 - Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Книлик хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.3.PhD/Qx169 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат унiversitetида баҳарланган.
Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме))
Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tofnanagro.uz) ва «Ziyouat» Аxbорот-таълим порталида
(www.ziyouat.uz) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:	Абдурахмонов Манжанит Каттабекович, книлик хўжалиги фанлари доктори, профессор
Раъсий рецензентлар:	Атабаева Халима Иzzаревна, книлик хўжалиги фанлари доктори, профессор Абдурахмонов Садикжон Обидович, книлик хўжалиги фанлари номоли, катта илмий ходим.
Ётакчи таъкилот:	Ўзбекистон Республикаси Илмий-таълим институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси хаваласи Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-таълим институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Қ.42.01 рақамли илмий
контрактнинг «12» 04 2019 йил соли «9» даги маълумоти бўлиб ўтди. (Манзил: 111202,
Тошкент вилояти, Қабрай тумани, М.Ф.Й. Ботаника, ҲАБИТИ кўчаси, ПСУЕАНТИ. Тел.: (+99895)
142-22-35; факс: (99871) 150-61-374; raim@qax.uz.)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-таълим институтининг Аxbорот-ресурс марказида танишни муноси
(50 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қабрай тумани,
Ботаника М.Ф.Й, ҲАБИТИ кўчаси (ПСУЕАНТИ).

Диссертация автореферати 2019 йил «28» 03 кун тартибда,
(2019 йил «28» 03 даги 1 рақамли реестр бўлиб қолган)



Ш.Нурматов,

илмий кенгаш раиси,

Ф.М.Хасанова,

илмий кенгаш аъзоси,

Ж.Х.Азиев,

илмий кенгаш аъзоси,

Б.Ф.Л.,

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё деҳқончилигида дон, хусусан буғдой дони етиштириш йилдан йилга ортиб бормоқда. 2017 йилда ялпи буғдой етиштириш дунё бўйича 749 млн тоннага тенг бўлган бўлса, 2018 йилда 760,4 млн тоннани ташкил этган ва бир йилда 11,4 млн тоннага ошганлиги кузатилган. 2018 йилда ялпи дон ҳосили 2658,1 млн. тонна донли экинлар ҳосили етиштирилган бўлиб, шундан 28,6 фоизи буғдой дони ҳиссасига тўғри келади¹. Дон ҳосилдорлигини ошишига асосан янги навларни жорий этиш, маъдан ўғитлардан самарали фойдаланиш, етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш орқали эришилмоқда.

Дунё қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда дон ҳосили етиштиришда янги инновацион технологияларни тадбиқ қилиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, мавжуд биоиклим ресурсларидан самарали фойдаланиш, бир йилда икки ёки уч марта ҳосил олиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлиги қайд этилмоқда. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратилмоқда. Бошоқли дон экинлари билан атмосфера азотини туганак бактериялар ёрдамида ўзлаштирадиган дуккакли дон экинлари билан уйғунлашган ҳолда экиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда кузги буғдой ҳосили йиғиштирилгандан кейин 90-120 кун экинларни етиштиришга имкон берадиган, совуқ бўлмайдиган давр ҳисобланади. Кузги буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларга сув таъминоти, ижобий ёки фаол ҳарорат йиғиндиси, экинлар навларининг ўсув даври, уларнинг ҳосилини шаклланиш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда етиштириш технологиясини такомиллаштириш асосида юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш муҳим вазифалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, ресурстежовчи агротехнологияларини кўллаш» чора-тадбирлари алоҳида белгилаб берилган². Шундан келиб чиқиб, Зарафшон водийси суғориладиган ерларида кузги буғдой ва такрорий экинлар етиштиришни илмий асослаш бўйича илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 14 мартда ПҚ-2832-сон «2017-2021 йилларда республикада сояни экишни ташкил этиш ва соя донини етиштиришни кўпайтириш тўғрисида чора тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2017 йил 1 июнда «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

¹[http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/
http://statistics.amis-outlook.org/data/index.html](http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/http://statistics.amis-outlook.org/data/index.html)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижда кузги буғдойнинг биологияси, етиштириш технологияси, экиш муддатлари, меъёрлари, усули, суғориш тартиби, ўтмишдошлар, ўғитлашнинг дон ҳосили ва сифатига таъсири бўйича В.Н.Ремесло, Ф.М.Пруцков, Г.А.Лавронов, Н.Халилов, Б.М.Халиков, А.Аманов, Т.Х.Ходжақулов, Р.Сиддиқов, Х.Н.Атабоева, З.Зиёдуллаев Н.Турдиева, П.Х.Бобомирзаев, Б.Азизов, В.Гостюхин, Х.Х.Келдиёрова, Ғ.Узоқов, Ғ.С.Ғайбуллаевлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар амалга оширилган.

Лекин, сўнгги йилларда яратилган Давлат реестрига киритилган ва истиқболли янги кузги буғдой навларининг экиш муддатларига, ўғитлашга таъсирчанлиги, уларнинг ҳосилдорлиги ва дон сифати бўйича қиёсий таҳлили, буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларга соя, ловия навлари кесимида такрорий экин сифатида экилганда мақбул экиш муддатларини аниқлаш минтақа тупроқ-иқлим шароити, нав хусусиятлари инобатга олинган ҳолда биоиклим ресурсларидан тўла фойдаланиш, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг ҚХА-8-122-2015 «Интенсив типдаги қаттиқ буғдой навларининг сув алмашинуви асосида, иссиқликка, қурғоқчиликка чидамлигини аниқлаш, селекция учун дастлабки ашё ҳамда янги навларни яратиш» (2015-2017 йй.) ва И-ҚИ- 2017-5-35 «Анғизга экиш учун яроқли ловиянинг давлат реестрига киритилган «Равот» ва истиқболли навларнинг бирламчи уруғчилик тизимини жорий этиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги инновацион ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кузги буғдой янги навларининг экиш муддатлари ва ўғитлашга таъсирчанлиги асосида мўл ва сифатли дон ҳосили етиштириш ҳамда буғдой анғизда экилган такрорий экинлар соя ва ловия навларининг мақбул экиш муддатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган ерларда кузги буғдойнинг янги навларини Самарқанд вилояти ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида маъдан ўғитларга таъсирчанлигини, мақбул ўғит меъёрларини, экиш муддатларини, уруғларнинг дала унвчанлиги, ўсимликларнинг қишга чидамлиги, яшовчанлиги, ривожланиш фазалари давомийлиги, ўсув даври, ҳосилдорлиги, ҳосил таркиби, ҳосил сифатини аниқлаш;

Ўтмишдош экин кузги буғдой навларининг ўсув даврлари, ҳосилни йиғиштириш муддатлари инобатга олиниб, такрорий экинлар соя, ловия навларининг уруғларини унувчанлигини, ўсимликларнинг яшовчанлиги, ривожланиш фазалари, ўсув даври, ҳосилдорлигини ўрганиш асосида юқори ҳосил олишни таъминлайдиган мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

кузги буғдой янги навларининг ва такрорий экинлар соя ва ловия навларини уйғунлашган ҳолда етиштириш технологияси иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш;

Самарқанд вилояти биоиклим ресурсларига мувофиқ кузги буғдой янги навларини ва такрорий экинлар соя ва ловия навларини ўсув даврларини ҳисобга олган ҳолда бир йилда икки ҳосил олишнинг илмий асосланган, уйғунлашган, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга имкон берадиган технологиясини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти юмшоқ буғдойнинг «Краснодарская-99», «Яксарт», «Жасмина», «Ҳазрати Бешир» ва соянинг «Орзу», «Аванта», «Арлета», «Амиго», «Спарта» ҳамда ловиянинг «Маҳсулдор» ва «Равот» навлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кузги юмшоқ буғдой навларининг турли экиш муддатлари, ўғитлаш меъёрлари, такрорий экинлар соя ва ловия навларининг, экиш муддатлари, ўсимликларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ҳосилнинг шаклланиши, ҳосилдорлик ва доннинг сифати, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлилларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида дала ва лаборатория тажрибалари фенологик кузатувлар, «Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги», биометрик таҳлиллар «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услуги» асосида, маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси бўйича, доннинг сифат кўрсаткичлари давлат назоратлари бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон водийси тупроқ-иклим шароитида янги кузги буғдой навларининг экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларига таъсирчанлигини аниқлаш асосида мўл ва сифатли дон етиштиришни таъминлайдиган, такомиллаштирилган нав агротехникаси ишлаб чиқилган;

экиш муддатлари, ўғитлаш меъёрлари навлар кесимида мақбуллаштирилиши натижасида дон ҳосили ва сифатини оширишни таъминлайдиган технологиялар ишлаб чиқилган;

навлар ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, қишга чидамлилиги, дон сифати бўйича қиёсий баҳоланган;

биоиклим ресурслари, минтақа тупроқ-иклим шароити инобатга олинган ҳолда такрорий экинлардан, соя, ловия навлар кесимида уларнинг ўсув даври, ривожланиши, ҳосилдорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Суғориладиган ерларда кузги буғдойнинг янги навларини экиш 1 октябрда ўтказилган пайкалчаларда экиш муддатлари ҳисобидан олинган қўшимча ҳосил «Яксарт» ва «Жасмина»

навларида гектаридан 6,0 ва 5,3 центнер, нав ҳисобидан олинган қўшимча ҳосил «Яксарт» ва «Жасмина» навларида мос равишда 4,3; 5,4 центнер, «Ҳазрати Бешир» навида ҳосилдорлик 7,2 центнерга камайиши, маъдан ўғитлар меъёрини $N_{150}P_{75}K_{50}$ кг/га дан $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га ошириш натижасида ҳосилдорлик навларга боғлиқ ҳолда гектаридан 66,4 дан 77,0 центнерга етганлиги аниқланган.

Ловия навлари анғизга 15 июнда экилганда ҳосилдорлик эртапишар «Равот» навида 21,9, ўртапишар «Маҳсулдор» навида 26,6 ц/га, соя навларида 16,1 дан 19,3 ц/га бўлган, энг юқори дон ҳосилдорлиги «Арлета» навида 19,3 ц/га назорат «Орзу» навига нисбатан 0,8 ц/га (4,4%) кўп ҳосил олинган. Минтақа биоиклим ресурсларидан тўла фойдаланишга имкон берадиган кузги буғдой, такрорий экин соя, ловия навларидан юқори ҳосил етиштиришни таъминлайдиган уйғунлашган тавсиянома ишлаб чиқилган ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги кузги буғдой уруғларининг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилнинг шаклланиши, ҳосилдорлик ва ҳосил сифати нав хусусиятларига, тупроқ-иклим шароитига экиш муддатларига, ўғитлаш меъёрларига боғлиқлиги, буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларга ўтмишдош буғдой навларининг ўсув даври инобатга олинган ҳолда соя ва ловиянинг қандай навларини экиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги буғдойнинг янги «Яксарт», «Жасмина», «Ҳазрати Бешир» навларидан «Ҳазрати Бешир» нави назорат «Краснодарская-99» навига нисбатан 10-14 кун олдин пишиб етилганда соя ва ловиянинг ўсув даври 90-100 кун бўлган «Орзу», «Арлета» ва ловиянинг «Маҳсулдор» навларини экиш, ўртапишар навлар «Яксарт», «Жасмина» ва «Краснодарская-99» экилганда ўсув даври 70-80 кунлик бўлган соянинг, «Аванта», «Спарта», «Амиго» ҳамда, ловиянинг «Равот» навларини экиш ижобий амалий натижалар бериши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон водийсининг ўрта қисмида кузги буғдой ҳамда такрорий экинлардан соя ва ловиянинг янги навларини экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кузги буғдой ва унинг анғизда соя ва ловия етиштириш бўйича «Анғизга экишга ярқли янги ловия навларининг уруғчилиги ва агротехникаси» ва «Суғориладиган ерларда кузги буғдой ва такрорий экинларни уйғунлашган етиштириш технологияси» тавсияномалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги 02/021-345-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

кузги буғдойнинг ўртапишар «Яксарт», «Жасмина», эртапишар «Ҳазрати Бешир» навларини октябрнинг биринчи ўн кунлигида экиш ва гектарига $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га маъдан ўғитларни қўллаш агротехнологияси Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги “Фариза Жасмина Кумушкент” фермер хўжалигида, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқув-тажриба хўжалигида, ПСУЕАИТИ Самарқанд илмий тажриба станциясида ҳамда Жомбой туман “Фарбома селект” илмий уруғчилик фермер хўжаликларида жами 51,7 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги 02/021-345-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида дон ҳосилдорлиги кузги буғдой навларига боғлиқ ҳолда гектарига 66,4–77,0 центнер, рентабеллик даражаси 54,4–55,7 фоизни ташкил этган;

кузги буғдойдан бўшаган майдонларга соянинг «Орзу», «Арлета» ва ловиянинг «Маҳсулдор» навларини такрорий экин сифатида июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида экиш ҳамда соянинг «Амиго», «Спарта» ва ловиянинг «Равот» навларини июль ойининг биринчи ўн кунлигида экиш агротехнологияси Самарқанд вилоятида жами 37,5–14,2 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги 02/021–345 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида такрорий экинлардан гектаридан ўртача 18,1–26,6 ва 16,2–20,3 центнер дон ҳосили олиган, иқтисодий самарадорлик «Маҳсулдор» ва «Равот» навларидан 11931,8,–9135,2 минг сўм, рентабеллик даражаси 354,2–293,3 фоизни, соя навларида «Орзу», «Аванта», «Арлета», «Амиго», «Спарта» навларидан 2532,–3641,3 минг сўм даромад олинган, рентабеллик даражаси 93,0–131,9 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти маълумотлар асосида ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сўнгги йилларда кузги буғдой етиштиришда экиш муддатлари ва ўғитлашнинг ўрганилиш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид йўналишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги маълумотлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бирга илмий манбалардан олинган маълумотлар асосида хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда турли навларнинг биологик хусусиятлари ҳамда экиш муддатларининг кузги буғдой янги навлари ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширадиган, кузги буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни етиштириш суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган самарадор технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиладиган шароитлар, тадқиқот объекти ва қўлланиладиган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари батафсил баён этилган.

Дала тажрибалари Зарафшон водийсининг ўрта қисми Самарқанд вилояти Окдарё туманидаги Самарқанд ветеринария медицинаси институти (собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалик институти) ўқув-тажриба хўжалигининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилганлиги келтирилган.

Тажрибалар ўтказилган 2015-2018 йилларда, кузги буғдой уруғларини экиш-униб чиқиш, тулланиш ва қишлоғга кириш даври сентябр, октябр, ноябр ойларида ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати уруғларнинг униб чиқиш даврида эрта (15.09) муддатда 1,4-22,6°C ни, ўрта муддат (1-15.10) да 12,1-14,7°C ни, кечки муддат (1.11) да 5,6-9,8°C бўлганлиги қайд этилган. Ёғингарчилик миқдори 2015-2016 йилларда кўп йиллик меъёр атрофида бўлган. 2017 йил кузи ва 2018 йил баҳорида ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёрдан икки баробар кам бўлган. Такрорий экинлар ловия ва соя навлари тажриба ўтказилган йиллари қулай келган, фақат 2018 йил 7 октябрда бўлган қисқа муддатли совуқ, қиров 1 ва 15 июлда экилган ўсимликларни сезиларли даражада совуқ уришига сабаб бўлган.

Дала ва лаборатория тажрибалари Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган. Фенологик

кузатувлар ва биометрик таҳлиллар эса Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси бўйича олиб борилган.

Тажрибада кузги буғдой ҳосилдорлиги барча вариантларда пайкалчанинг 3 та нуқтасидан 1 м² майдончадан ҳамда бевосита комбайнлар ёрдамида ўриб-янчиб олиш йўли билан аниқланган. Ҳосил назорат намликка ва 100% тозалikka келтирилиб, маълумотлар Б.А.Доспехов бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тупроқ таркибидаги умумий ва ҳаракатчан NPK миқдори, ўсимлик ва дон таркибидаги NPK миқдори, оқсил, клейковина, шишасимонлик, натура, 1000 дон дон массаси Самарқанд давлат университети, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали лабораториясида аниқланган.

Таҳлил учун тупроқ намуналари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубномаси бўйича олинган.

Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин усулида, нитрат азот-ион селектив усулида, умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор 1% аммоний карбонат эритмасида Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотокалориметрда П.В.Протасов усулида; ўсимликдаги канд миқдори хроматографик (А.Павлюшкина) ва Сакслет усулида; рН сувли сўримда потенциометр ёрдамида аниқланган.

Дон таркибидаги оқсил, клейковина, шишасимонлик, натура, 1000 та дон массаси доннинг технологик хусусиятларини ўрганиш методикаси бўйича аниқланган.

Кузги буғдой янги навларини ва такрорий экинларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотлар натижаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси бўйича ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган ерларда янги кузги буғдой навлари ҳосилининг шаклланишига ва дон сифатига экиш муддатларининг таъсири**» деб номланган учинчи бобида Зарафшон водийси ўрта қисми ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги, қишга чидамлилиги, ривожланиш фазалари, ўсимлик бўйи, ҳосилнинг шаклланиши, ҳосил элементлари, ҳосилдорлиги, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари турли экиш муддатлари ҳамда нав хусусиятларига боғлиқлиги баён этилган.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, барча экиш муддатларининг кечикиши билан кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги пасайиб бориши аниқланган. Кузги буғдой навларида унувчанлик экиш муддатларига боғлиқ ҳолда «Краснодарская-99» навида 87,5% дан 83,4% га камайган. «Яксарт» навида 88,1% дан 82,3% гача, «Жасмина» навида 88,9% дан 82,4% гача, «Ҳазрати Бешир» навида 86,4% дан 82,2% гача камайган. Бу об-ҳавонинг ўзгариши, яъни ҳароратнинг пасайиши ва экиш муддатларининг кечикиши билан изоҳланган.

Экиш муддатлари ва навларга боғлиқ ҳолда кузги буғдой ўсув даври 225 дан 265 кунгача ўзгарган. Энг узун ўсув даври эрта (15.09) экилганда, энг қисқа

ўсув даври кеч (1.11) экилганда қайд этилган. Ўсув даври энг узун «Краснодарская- 99» нави, энг қисқаси «Ҳазрати Бешир» нави эканлиги барча экиш муддатлари бўйича кузатилган.

Тадқиқотларда уруғлари 15 сентябр ва 1 октябрда экилган кузги буғдойнинг жадал тулланиши кузда, кеч экилганда эса (1.11) баҳорда содир бўлган. Нисбатан кеч экилган пайкалчаларда кузда ўсув даври қисқа бўлганлиги туфайли тулланиш тугалланмаганлиги, уларда тулланиш кам бўлганлиги ва баҳорда ҳам давом этиши натижасида битта ўсимликнинг ўзида ҳар хил ёшдаги поялар ҳосил бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойдаги пояларнинг асосий қисми 15.09; 1.10; 16.10 муддатларда экилганда 90,0-70,6% поялар кузда, қишда ҳосил бўлиши аниқланган. Кеч (1.11) экилганда жами ҳосил бўлган пояларнинг 44,4-52,7% куз-қишда ҳосил бўлган. Уруғларни эрта экиш битта ўсимликда поялар энг кўп ҳосил бўлишини таъминлаган.

Тажрибаларда битта ўсимликдаги пояларнинг қишда нобуд бўлиши экиш муддатларига боғлиқ ҳолда қиш даврида 1,1 дан 0,1 гача ўзгарган. Эрта (15.09) экилган ўсимликларда қиш даврида пояларнинг нобуд бўлиши энг кўп 1,1 ёки 17,1 % бўлган. Шу муддатда ўсимликларда нобуд бўлган поялар сони 0,5 донани ёки 10,2 % ни ташкил қилди. Қиш даврида энг кам поялар нобуд бўлган ўсимликларда 1 октябрда экилган пайкалчаларда бўлиши аниқланган.

Тажрибада 1 та бошоқдаги дон массаси экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда 1,35 дан 1,11 г гача ўзгарган. Битта бошоқдаги энг юқори дон массаси уруғлар 16 октябрда экилган ўсимликларда кузатилган. Уруғлари эрта 15 сентябр ёки кеч 1 ноябрда экилган ўсимликларда 1 октябрда экилгандагига нисбатан 1 та бошоқдаги дон массаси сезиларли даражада камайган.

Уруғлари 15 сентябрда экилган назорат «Краснодарская-99» нави нисбатан «Яксарт» ва «Жасмина» навлари мувофиқ ҳолда 7,5; 9,3 ц/га кўп ҳосил берганлиги, «Ҳазрати Бешир» нави 2,8 ц/га кам ҳосил берганлиги аниқланган. Энг юқори ҳосилдорлик экиш муддатлари бўйича 1 октябрда экилганда қайд этилган. Янги кузги буғдой навлари 1 октябрда, бошқа экиш муддатларига нисбатан энг юқори ҳосилни шакллантирган. Экиш 1 октябрда ўтказилганда экиш муддатлари ҳисобидан олинган қўшимча ҳосил «Яксарт» ва «Жасмина» навларида 6,0 ва 5,3 ц/га, назорат «Краснодарская-99» навида 9,2 ц/га бўлган. Нав ҳисобидан олинган қўшимча ҳосил «Яксарт» ва «Жасмина» навларида мос равишда 4,3; 5,4 ц/га ни, «Ҳазрати Бешир» навида ҳосилдорлик 7,2 ц/га камайган (1-жадвал).

Экишни 15 сентябрдан 1 ноябрга қадар кечикиши билан 1м² даги маҳсулдор поялар сонининг камайиб бориши аниқланган. Тажрибада 1 та бошоқдаги дон массаси экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 1,47 дан 1,10 г гача, дон сони 36,8 дан 28,0 донагача ўзгарган. Доннинг сомонга нисбатан ёки умумий ер усти массасига нисбатан доннинг чиқими экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Экиш муддатларининг кечикиб бориши билан дон чиқими ошиб борганлиги аниқланган.

Кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига экиш муддатларининг таъсири, ц/га

Экиш муддатлари	Навлар	Йиллар			Ўртача	Қўшимча ҳосил, ц/га	
		2016	2017	2018		Экиш муддатидан	Навдан
15.09	«Краснодарская-99» (st)	63,0	65,6	58,1	62,2	-	-
	«Яксарт»	71,3	74,6	63,4	69,8	-	7,5
	«Жасмина»	71,8	75,4	67,3	71,5	-	9,3
	«Ҳазрати Бешир»	59,9	63,3	55,2	59,5	-	-2,8
1.10	«Краснодарская-99» (st)	69,9	74,4	69,9	71,4	9,2	-
	«Яксарт»	74,5	78,2	74,5	75,7	6,0	4,3
	«Жасмина»	75,4	79,7	75,4	76,8	5,3	5,4
	«Ҳазрати Бешир»	64,4	66,5	61,8	64,2	4,7	-7,2
16.10	«Краснодарская-99» (st)	56,7	60,7	53,4	56,9	-5,3	-
	«Яксарт»	74,7	80,1	71,0	75,3	5,9	18,4
	«Жасмина»	72,1	82,5	70,8	75,1	3,6	18,2
	«Ҳазрати Бешир»	63,3	67,1	64,3	64,9	5,4	8,0
1.11	«Краснодарская-99» (st)	44,0	51,8	40,8	45,5	-16,7	-
	«Яксарт»	50,1	57,0	46,5	51,2	-18,6	5,7
	«Жасмина»	56,1	58,0	52,0	55,4	-16,1	9,9
	«Ҳазрати Бешир»	52,6	54,1	48,6	51,8	-7,7	6,3
ЭКИФ05		3,73	4,11	3,56			
Sx%		2,05	2,11	2,05			
Экиш муддати (А омил) учун: ЭКИФ05		1,87	2,05	1,78			
Навлар (В омил) ва узаро таъсир учун: ЭКИФ05		1,87	2,05	1,78			

Тажрибаларда 1000 та дон массаси экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда 38,5 дан 43,4 г гача ўзгарган. Кузги буғдой навларини эрта (15.09) ёки кеч (1.11) экиш 1000 та дон массасини мақбул муддатда (1.10 ва 16.10) экилгандагига нисбатан сезиларли даражада камайишига олиб келган.

Барча навларда уруғларнинг мақбул муддатдан эрта ёки кеч экилиши 1000 та дон массаси камайишига олиб келиши аниқланган. Навлар кесимида барча экиш муддатларида «Жасмина» навининг 1000 та дон массаси энг юқори, «Ҳазрати Бешир» навида кам бўлиши аниқланган.

Экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда дон натураси 779,5 дан 802,6 г/л гача ўзгарган. Кузги буғдойни 15 сентябрда ёки 1 ноябрда экиш 1 ва 16 октябрда экилганга нисбатан дон натурасининг камайишига олиб

келди.

Доннинг энг юқори шишасимонлиги 16 октябрда экилган ўсимликларда кузатилиб, навларга боғлиқ ҳолда 74,3 дан 80,6% гача ўзгарган. Кеч экилган ўсимликларда шишасимонликнинг бошқа экиш муддатларига нисбатан юқори бўлиши доннинг шаклланиш даврида ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳосилнинг нисбатан паст бўлиши натижасида юзага келганлиги билан изоҳланган.

Дон таркибидаги оксил миқдори экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда 12,9-14,8% гача ўзгарган. Оксил миқдори «Яксарт» нави донида энг юқори, «Ҳазрати Бешир» нави донида нисбатан кам бўлиши аниқланган. Уруғлари эрта (15.09) экилган кузги буғдой навлари дони таркибидаги оксил миқдорига нисбатан кеч (1.11) экилган ўсимликлар донидаги оксил миқдорининг кўп бўлиши кузатилган. Дондаги клейковина миқдори экиш муддатлари ва навларга боғлиқ ҳолда 26,1 дан 30,5% гача ўзгариши аниқланган.

Диссертациянинг «**Янги кузги буғдой навларининг маъдан ўғитлар меъёрларига таъсирчанлиги**» деб номланган тўртинчи бобида, кузги буғдой навлари ва ўғит меъёрлари уруғларнинг дала унвчанлигига сезиларли таъсир кўрсатмаганлиги баён қилинган. Тажрибаларда нав хусусиятлари ва ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда 1м² да униб чиққан ўсимликлар сони 440,6 дан 458,6 донагача, фоиз ҳисобида 88,1-91,7% гача ўзгарган. Назорат пайкалчаларида уруғларнинг унвчанлиги 88,1%, N₂₁₀P₁₀₅K₇₀ кг/га қўлланилганда 91,5% бўлган.

Назорат пайкалчаларида навлар бўйича униб чиқиш-найчалош даври 130 дан 138 кунгача ўзгарган. Энг узун ўсув даври «Краснодарская-99» навида 138 кун, «Ҳазрати Бешир» навида 130 кунни ташкил қилган.

Ўғитлаш меъёрларининг ошиб бориши билан барча навларнинг фазалараро даври узайганлиги аниқланган. Назорат пайкалчаларида «Краснодарская-99» навида ўсув даври энг узун – 230 кунни, «Ҳазрати Бешир» навида 216 кунни ташкил қилган. Ўғитлар меъёри N₂₁₀P₁₀₅K₇₀ кг/га бўлган пайкалчалардаги кузги буғдой навларининг ўсув даври 237 кундан 225 кунгача ўзгарган. Бу борада «Краснодарская-99» билан «Ҳазрати Бешир» нави ўртасидаги фарқ 12 кунни ташкил қилган. Маъдан ўғитлар N₂₁₀P₁₀₅K₇₀ кг/га меъёрда қўлланилганда ўсимликларнинг ўсув даври назорат-ўғитсизга нисбатан 7-9 кунга узайиши аниқланган.

Маъдан ўғит меъёрининг N₁₈₀P₉₀K₆₀ кг/га ошиши билан 1 м² да ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар мувофиқ ҳолда 274,6 донадан 281,3 донагача, 60,0 дан 61,8% гача ортиб бориши кузатилган. Шундай қонуният ўғитлар меъёри N₂₁₀P₁₀₅K₇₀ кг/га оширилганда ҳам кузатилган. Кузги буғдойда 1м² даги бошоқли поялар сони нав хусусиятларига ва маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгарган ва назорат-ўғитсиз вариантда 265,9 дан 267,2 гача бўлса, ўғит меъёрининг N₁₈₀P₉₀K₆₀ кг/га ошиши билан ўсимликлар сони 521,7 дан 562,6 донагача ошган.

Маъдан ўғитларни қўллаш бошоқдаги дон массасининг ошишига олиб келган. Маъдан ўғитлар N₁₅₀P₇₅K₅₀ кг/га меъёрда қўлланилганда 1 та бошоқдаги дон массаси навларга боғлиқ ҳолда 1,22 дан 1,39 г гача ўзгарган. Бунда 1 та бошоқдаги энг кам дон массаси «Ҳазрати Бешир» навида, энг юқориси

«Жасмина» навида қайд этилган.

Маъдан ўғитлар меъёрларининг $N_{150}P_{75}K_{50}$ кг/га дан $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га ошиб бориши билан 1 та бошоқдаги дон массаси барча навларда ошган. Маъдан ўғитлар меъёрлари $N_{210}P_{105}K_{70}$ кг/га оширилган пайкалчаларда 1 та бошоқдаги дон массаси 1,24 дан 1,53 г гача навларга боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилган. Энг юқори кўрсаткич «Жасмина» навида 1,53 г бўлиши асосан 1000 та дон массасининг бу навда юқори бўлганлиги ҳисобидан юзага келганлиги аниқланган.

Маъдан ўғитларни қўллаш дон ҳосилдорлиги ошишини таъминлаган. Маъдан ўғитлар $N_{150}P_{75}K_{50}$ кг/га қўлланилган пайкалчаларда ҳосилдорлик нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда 62,1 дан 72,0 ц/га ўзгарган. Энг кам ҳосилдорлик «Ҳазрати Бешир» навида 62,1 ц/га, энг юқори ҳосилдорлик «Яксарт» навида 72,0 ц/га кузатилган. Маъдан ўғитлар $N_{150}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилганда ўғит ҳисобидан қўшимча ҳосил навлар кесимида 29,4 дан 38,0 ц/га бўлган ва ўғитдан олинган энг кўп қўшимча ҳосил «Жасмина» навида 38,0 ц/га кузатилган. Нав ҳисобидан олинган қўшимча ҳосил 4,8 дан 6,7 ц/га ўзгарган, Ҳазрати Бешир нави назорат «Краснодарская-99» навига нисбатан 3,2 ц/га кам ҳосил берган.

Ўғит меъёрларини $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га дан $N_{210}P_{105}K_{70}$ кг/га ошириш натижасида ҳосилдорлик 67,6 дан 80,7 ц/га ошган, ўғитлардан олинган қўшимча ҳосил 34,9 дан 44,7 ц/га ошган. «Ҳазрати Бешир» навида 32,4 ц/га кузатилган. Навлар ҳисобидан олинган қўшимча ҳосил 2,4 дан 2,7 гача ўзгарган, «Ҳазрати Бешир» навида назорат нав «Краснодарская-99» га нисбатан 7,9 ц/га кам ҳосил олинган (2-жадвал).

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича назорат пайкалчаларида 1000 та дон массаси навларга боғлиқ ҳолда 38,1 дан 41,3 гача ўзгарган. Энг юқори 1000 та дон массаси «Жасмина» ва «Яксарт» навларида кузатилган. Маъдан ўғитларни қўллаш 1000 та дон массасига ижобий таъсир кўрсатган.

Навлар кесимида энг юқори 1000 та дон массаси «Жасмина» навида кузатилган. Ўғит меъёрларини $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га ошириш билан барча навларда 1000 дона дон массаси ортган. Маъдан ўғитлар меъёрини $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га дан $N_{210}P_{105}K_{70}$ кг/га ошириш натижасида барча навларда 1000 дона доннинг массаси камайганлиги қайд этилган (1-расм).

Доннинг шишасимонлиги назорат пайкалчаларида навлар кесимида 52,8 дан 55,4% гача ўзгарган. Ўғитларни қўллаш билан доннинг шишасимонлиги ошган ва $N_{150}P_{75}K_{50}$ кг/га қўлланилган пайкалчаларда 64,5 дан 68,9% гача ўзгарган. Ўрганилган навлар бўйича энг юқори шишасимонлик «Яксарт» навида кузатилган. Маъдан ўғитлар $N_{210}P_{105}K_{70}$ кг/га қўлланилганда энг юқори шишасимонлик кузатилган.

Дон натураси маъдан ўғитлар ва навларга боғлиқ ҳолда ўзгариб, назорат-ўғитсиз вариантда дон натураси навларга боғлиқ ҳолда 779,5-787,9 г/л ни ташкил этганлиги аниқланган. Маъдан ўғитларни қўллаш кузги буғдой дони ҳажмий массасига ижобий таъсир кўрсатган. Тажрибада доннинг ҳажмий массаси маъдан ўғитлар ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Назорат пайкалчаларида доннинг ҳажмий массаси ўғитланган пайкалчалардагига

нисбатан кам бўлиши ва навлар кесимида «Жасмина» навининг дон натураси бошқа кузги буғдой навлариникига нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

2-жадвал


Янги кузги буғдой навларининг маъдан ўғит меъёрлари ва навларга боғлиқ ҳолда ҳосилдорлиги, ц/га

Ўғит меъёри(NPK) кг/га	Навлар	Ҳосилдорлик, ц/га				Қўшимча ҳосил, ц/га	
		2016	2017	2018	ўртача	Ўғит	Нав
Назорат (ўғитсиз)	«Краснодарская-99» (st)	34.9	33.7	29.7	32.8	-	-
	«Яксарт»	36.4	36.8	34.2	35,8	-	3,0
	«Жасмина»	33.2	35.9	33.0	34,0	-	1.2
	«Ҳазрати Бешир»	33.0	33.6	31.5	32,7	-	-0.1
N150P75K50	«Краснодарская-99» (st)	65.2	66.7	64.1	65,3	32.5	-
	«Яксарт»	68.6	72.1	69.3	70.1	36.2	4.8
	«Жасмина»	72.6	73.1	70.3	72.0	38.0	6.7
	«Ҳазрати Бешир»	62.5	63.5	60.4	62.1	29.4	-3.2
N180P90K60	«Краснодарская-99» (st)	74.6	76.0	72.3	74.3	41.5	-
	«Яксарт»	77.2	78.4	74.5	76.7	40.9	2.4
	«Жасмина»	76.9	79.2	74.8	77.0	43.0	2.7
	«Ҳазрати Бешир»	66.6	67.9	64.8	66.4	32.4	-7.9
N210P105K70	«Краснодарская-99» (st)	76.8	75.3	73.8	75.3	42.5	-
	«Яксарт»	80.9	82.1	78.6	80,5	44.7	5.2
	«Жасмина»	81.3	82.7	78.0	80,7	46.7	5.5
	«Ҳазрати Бешир»	67.5	69.4	66.0	67.6	34.9	-7.7
ЭКИФ05		3,83	3,95	3,92			
Sx%		2,14	2,15	2,25			
Ўғит меъёри (А омил) учун: ЭКИФ05		1,92	1,97	1,96			
Навлар (В омил) ва узаро таъсир учун: ЭКИФ05		1,92	1,97	1,96			

Дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори маъдан ўғит меъёрлари ва навларга боғлиқ ҳолда ўзгарган. Дон таркибидаги клейковина миқдори маъдан ўғитлар меъёрини N₁₅₀P₇₅K₅₀ дан N₁₈₀P₉₀K₆₀ кг/га ошириш натижасида кўпайиши кузатилган. Маъдан ўғитлар меъёри N₁₅₀P₇₅K₅₀ кг/га бўлган пайкалчаларда нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда клейковина миқдори 27,2 дан 28,5% гача ўзгариши қайд этилган. «Краснодарская-99» ва «Ҳазрати Бешир» навларида клейковина миқдори N₁₈₀P₉₀K₆₀ кг/га қўлланилгандагига нисбатан кам бўлсада пасайган.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Зарафшон водийсида кузги буғдой анғизда такрорий экинларни етиштириш технологиясини минтақа биоиклим ресурсларига боғлиқ ҳолда такомиллаштириш ва жадаллаштириш» бўйича маълумотлар таҳлили баён этилган. Ловия навлари анғизга 15 июнда экилганда ҳосилдорлик эртапишар нав «Равот»да 21,9 ц/га, ўртапишар «Маҳсулдор» навида 26,6 ц/га бўлган. «Маҳсулдор» нави назорат «Равот» навида нисбатан 4,7 ц/га кўп ҳосил берган. Соя навлари 15 июнда экилганда нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳосилдорлик 16,1 дан 19,3 ц/га ўзгарган. Энг юқори ҳосилдорлик «Арлета» навида 19,3 ц/га ёки назорат

«Орзу» навига нисбатан 0,8 ц/га (4,4%) кўп ҳосил олинган. Россия Федерациясидан келтирилган барча навлар маҳаллий назорат «Орзу» навига нисбатан кам ҳосил берган.



1-расм. Кузги буғдой дон сифатига маъдан ўғит меъёрларининг таъсири

Экиш 1 июлда ўтказилган пайкалчаларда уруғ ҳосилдорлиги «Равот» навида 19,4, «Маҳсулдор» навида 23,6 ц/га бўлган. Экиш муддатларининг кечикиши билан ловиянинг ҳар иккала навларида ҳам ҳосилдорлик камайган. Соянинг «Орзу» навида ҳосилдорлик 4,1 ц/га камайган. Экиш муддатининг 15 кунга кечикиши билан хориждан келтирилган навларнинг барчасида ҳосилдорликнинг пасайиши кузатилган. Экишнинг кечикиши ҳисобига «Равот» навида ҳосилдорлик 2,5 ц/га, «Маҳсулдор» навида 3,0 ц/га бўлган. Нав ҳисобидан назорат навга нисбатан олинган кўшимча ҳосил фақат «Арлета», «Амиго», «Спарта» навларида мувофиқ ҳолда 0,9; 1,0; 1,6 ц/га бўлиши аниқланган.

Ловия ва соя навлари 16 июлда экилганда 15 июнда экилган пайкалчалардагига нисбатан экиш муддатларининг кечикиши ҳисобига ҳосилдорлик сезиларли пасайган. Экиш муддатларининг кечикиши ҳисобига ловия навларида ҳосилдорлик 6,4 ва 12,5 ц/га, соя навларида 5,7 дан 11,7 ц/га гача камайган. Назорат нав «Орзу»га нисбатан Россия Федерациясидан келтирилган эртапишар навлар ҳосилдорлиги 1,3 дан 4,3 ц/га кўп бўлган.

